



Yangi O'zbekiston taraqqiyoti uchun birlashaylik!

asr

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

20-yanvar 2022-yil 3 (949)



www.21asr.uz



@XXLasrofficial

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlangan

XXI ASR MABZUCI



# ОВҚАТЛАНИШ ЖОЙЛАРИ

**ҚАЧОН ТАРТИБ ЎРНАТИЛАДИ ЁКИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИ, ГИГИЕНА, НАРХ-НАВОНИ КИМ БЕЛГИЛАЙДИ?**

Бутун дунё халқлари сингари бизда ҳам таом, овқатланишга алоҳида эътибор қаратилади. Аммо биз шундай бир шиддаткор замонда яшаймизки, ахборот оқимидан тортиб, кундалик юмушларимизда ниҳоятда зич. Вақт масаласи – кўндаланг. Ана шундай бир шароитда истаисизми, йўқми, ишхонангиз биқинида ёхуд хийла узоқроққа тамадди илинжсида чиқиш кун тартибимизга айланган. Бунда ўз-ўзидан таъм, сифат ва албатта ХИЗМАТ КЎРСАТИШ маданияти биринчи ўринга чиқади. Катта-катта ҳарфлар ила белгиланган соҳа, афсуски, мунтазам оғриқли муаммоларимиздан бири бўлиб қолмоқда. Зотан, ҳозирги пандемия шароитида инсоният нафақат моддий гигиеник воситаларга, балки руҳан қўллаб-қувватловга ҳар қачонгиданда муҳтож. Киройи мулозаматдан кайфиятинг кўтарилади, севинч гормон шиммонетга эврилади. Акси бўлса, еганинг заҳар, шикоятинг дий-диё!

Давоми 3-саҳифада. ►►

БУГУНГИ СОНДА



**ФАХРИЙЛАР КЕНГАШИ: ТАЪСИС ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ** 2с.



**ХОРАЗМДА ЧИРОҚ ЎЧМАЙДИГАН КУНЛАР ЯҚИН** 4с.



**МЕНКИМ СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН...** 5с.



**БОҚИМАНДАЛИК УНИ КАСБГА АЙЛАНТИРИБ ОЛГАНЛАР ҚАЕРДАН ПАЙДО БЎЛЯПТИ?** 6с.

МУНОСАБАТ

## “МАҲАЛЛАБАЙ” ИШЛАШ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

Президентимиз раислигида маҳаллабай ишлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича жорий йилдаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида фаол ислохотлар, тадбиркорликни ривожлантириш ва маҳаллабай ишлаш бошлангани натижасида, ўтган йили ялпи ички маҳсулот 7,4 фоизга ўсгани алоҳида қайд этилди. Бу албатта кичкина кўрсаткич эмас. Ушбу рақамлар ортида халқимизнинг фидойилиги, ҳамжиҳатлиги, меҳнатсеварлиги, давлатимиздаги тинчлик-осойишталик ва амалга оширилаётган изчил ислохотлар самараси ётибди, десак муболаға бўлмайди.

Ёки қуйидаги мисолларга эътибор қилайлик: эришилган ютуқлар сарҳисоб этиларкан, мамлакатимизда ўтган йилнинг ўзида 100 минг нафардан кўпроқ янги тадбиркор иш бошлаганлигига алоҳида урғу берилди. Қолаверса, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сони 700 минг нафарга кўпайиб, уларнинг сони 1,2 миллион нафарга етди. Демак, янги йилда бундай қувончли одимлар яна давом этади.

Таъкидлаш жоизки, биргина “маҳаллабай” тизими орқали “темир дафтар”га киритилган 583 минг эҳтиёжманд оила доимий даромад билан таъминланди.

Яна бир янгилик: 2022 йилдан 9 минг 309 нафар ҳоким ёрдамчилари иш бошляпти ва уларнинг зиммасига катта вазифалар юклатилди: энг аввало, ишлаш имконияти ва хоҳиши бор, лекин шароити оғир оилаларни ўқитиш ва ўз ишини бошлаши учун имтиёзли кредит, субсидия ёки деҳқон хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш каби қатор долзарб масалалари билан шуғулланиши белгилаб қўйилди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айт-

ганда, ҳоким ёрдамчилари Президентнинг маҳалладаги вакиллари ҳисобланади. Уларнинг асосий вазифаси – ўз маҳалласида тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўрни яратиш, камбағалликни қисқартириш ва оилалар даромадини кўпайтиришдан иборат. Бунинг учун ҳоким ёрдамчилари ҳар қандай бюрократиядан холи бўлиши, ҳеч қайси ҳоким ёки раҳбар уларни мажлисларга чақирмаслиги, турли ҳисоботлар билан “кўмиб ташламаслиги” ҳам видеоселектор йиғилишида айтиб ўтилди. Қайд этилганидек, ушбу мақсадлар учун жорий йилда 10 триллион сўм имтиёзли кредит ва 2,5 триллион сўм субсидия ажратилиши (ҳар бир маҳаллага ўртача 1,3 миллиард сўм) режалаштирилган.

Шунингдек, юртбошимиз барча тизим раҳбарлари олди-га аҳоли мурожаатлари орқали жойлардаги вазиятни ўрганиб, маҳаллалар қиёфаси ва ижтимоий муҳитини яқинлаш вазифасини қўйди. Бу каби муҳим ишларни, аввало, иқтисодий ва ижтимоий аҳоли нисбатан оғир бўлган маҳаллалардан бошлаш кераклиги кўрсатиб ўтилди. Хуллас, ижтимоий муҳит, боғча, мактаб, шифохона шароитларини яхшилаш, бир сўз билан айтганда, одамларни рози қилишга устувор аҳамият бериш муҳимлиги қайд этилди.

**Ақтам ХАИТОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,  
О'zLiDeP фракцияси раҳбари



АЖАБО!

“UzAuto Motors” компанияси яна бир муаммога дуч келгани ҳақида хабардорларига мурожаат қилди.

## МУАММО ВА МУРОЖААТ

Авалроқ яримтўқазгичларнинг глобал етишмовчилиги сабаб ўзбек ишлаб чиқарувчиси бир қатор автомобиллар учун шартнома тузишни тўхтатиб қўйганди. Энди, микроципларнинг танқислиги “UzAuto Motors” компанияси учун ягона бўлган GM сертификатига эга автомагнитола ишлаб чиқарувчи “Humax” корхонасини ҳам четлаб ўтмаган. Корея ишлаб чиқарувчиси автомагнитолани етказиб беришни номанъал мuddатга тўхтатгани ҳақида расмий хат билан “UzAuto Motors”га мурожаат қилган.

Шундан келиб чиқиб, “UzAuto Motors” компанияси автомобилларни етказиб бериш мuddатининг узайиши, конвейерларнинг тўхтаб қолиши ҳамда ишчи ўринларнинг қисқаришини олдини олиш учун автомобилларни магнитоласиз ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи.

Жорий йилнинг 19 январ кунидан аввал тузилган шартномалар бўйича “Chevrolet Lacetti” ва “Cobalt” автомобиллари “Humax” компанияси томонидан компонентлари етказиб беришдаги узилишлар сабабли миқдорларга магнитоласиз етказиб берилади.

“Хабардорнинг розилиги билан амалга оширилувчи ушбу мажбурий чоранинг қўлланилиши юзлаб истеъмолчиларга узоқ кутилган автомобилларни яқин орада етказилишини таъминлайди”, дейилади компания мурожаатида.

Ушбу вазиятдан чиқиш учун магнитоласиз автомобил хариддорларига иккита вариант таклиф этилган: ишлаб чиқарувчи томонидан магнитола қурилмаси ҳамда унинг ўрнатилиш харажатларининг қопланиши билан яқин орада ўз автомобиллини магнитоласиз олиш. Хоҳишнгизга кўра, бозордан ўзингизга ёққан хоҳлаган турдаги автомагнитолани UzAuto Motors расмий дилерларидан ўрнатиш билан автомобилга берилган кафолатни йўқотмайсиз.

Автомобилни кейинчалик текин қайта жиҳозлаш билан магнитоласиз олиб кетиш. Ишлаб чиқарувчи томонидан магнитола етказиб берилгандан сўнг, автомобилни қайта жиҳозлаш.

Манба: Хабар.uz



O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

## ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИ

тадбиркорлар субъектларининг янада одимлашига имкониятдир



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

**Нодир ЖУМАЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:



– Ушбу ҳужжат билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни 215<sup>а</sup> ҳамда 245<sup>а</sup>-моддалар билан тўлдириб таклиф этилмоқда. Хусусан, 215<sup>а</sup>-моддада давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик белгиланяпти. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик сифатида очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларни эълон қилиш тартибига ривож этмаслик, маълумотларни бузиб кўрсатиш ёки уларни очиқ маълумотлар порталига ҳамда расмий веб-сайтларга жойлаштиришнинг белгиланган муд-

датларига амал қилмаслик ҳолатлари назарда тутилмоқда. 245<sup>а</sup>-моддада эса мазкур ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мансабдор шахслари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ва судга тақдим этиш ваколатига эгаллиги кўрсатиб ўтилмоқда. Аини қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мансабдор шахсларининг очиқлик борасида белгиланган мажбуриятларни бажаришидаги масъулияти янада оширилишига эришилишини эътиборга олиб, фракциядошларимиз билан биргаликда уни қўллаб-қувватладик.

**Дилором ФАЙЗИЕВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:



– Бугун "Почта алоқаси тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқдик. Лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида тегишли кўмита томонидан 9 мартаба ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилиб, уларда ушбу лойиҳани такомилга етказиш бўйича олимлар, экспертлар ва 30 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти томонидан кўлаб таклиф ва тавсиялар берилган.

Ана шу таклифлар асосида қонун лойиҳасига бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, лойиҳа "Вазирлар Маҳкамаси ваколатлари" деб номланган янги модда билан тўлдирилди. 9, 10 ва 11-моддаларга почта алоқаси хизматларини кўрсатиш, почта алоқаси сирини таъминлаш масалаларига тегишли аниқлаштирувчи нормалар киритилди.

**Фахриддин САМАТОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:



– "Почта алоқаси тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Ўзбекистонда 2021 – 2023 йилларда почта алоқаси соҳасини ривожлантириш бўйича йўл харитаси ҳамда ратификация қилинган 4 та халқаро шартнома доирасида почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тўдан такомиллаштиришга хизмат

қилади. Энг муҳими, бунинг натижасида тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратилади. Шу боис қизғин муҳокама, савол-жавоб ва баҳс-мунозаралардан сўнг ушбу қонун лойиҳасини маъқуладик.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**  
"XXI asr" мухбири

O'zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

Хабарингиз бор, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг аввалги йиғилишида партия қошида Фахрийлар кенгашини тузиш ҳамда унинг таркибини тасдиқлаш масаласи муҳокама қилинган эди. Унга кўра Ижроия қўмита қошида 25 нафар аъзодан иборат Фахрийлар кенгаши республика жамоатчилик кенгаши таркиби тасдиқлаб олинганди. Сиёсий кучнинг вилоят, туман, шаҳар кенгашлари қошида ҳам шундай кенгаш ташкил қилинди.

Куни кеча Фахрийлар кенгашининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Уни O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, парламентдаги партия фракцияси раҳбари Ақтам Хайтов олиб борди.

Тадбирда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қошидаги Фахрийлар кенгаши раислигига тавсия қилинган – Сиёсий Кенгаш аъзоси, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси республика бошқаруви раиси Содикжон Турдиев номзоди бир овоздан тасдиқланди ва тузилма раиси этиб сайланди.

Содикжон Турдиев сўзга чиқиб, тузилма олдидаги устувор вазифалар ва партия билан ҳамкорликда қилиниши лозим бўлган мақсадлар ҳақида фикр билдирди.

– Бугунги кунда республикамизда мавжуд 3 миллиондан ортиқ фахрий билан бамаслаштак ишлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш асосий вазифамиздир, – деди у. – Азалдан ёшлар тўғри йўлни таллаши, ҳар бир ишни бошлашдан аввал обдон ўйлаб, тўғри хулосага келишида кексалар ўғити ва панд-насиҳати асқотиб келган. Бу одатларимизни сақлаб қолган ҳолда маҳаллабай, хо-



## ТАЪССИС ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

надонбай ишлаш, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга моддий ва маънавий қўмак кўрсатиш доимий эътиборимизда бўлиб қолади.

Учрашувда, шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда тузилмадан ҳам

катта масъулият ва ташаббускорлик талаб қилиниши таъкидлаб ўтилди.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**  
"XXI asr" мухбири

Суратларни Элёржон НЕЪМАТОВ олган.

МУНОСАБАТ

## ИЛМДАН ЎЗГА НАЖОТ ЙЎҚ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида мактабларда таълим-тарбия сифатини ошириш, ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида тизимга тахлий-танқидий назар ташланди. Айниқса, сўнгги йилларда ихтисослаштирилган мактабларни ташкил этиш борасида амалга оширилган ишлар эътироф этилиб, камчилик ва ютуқлар сарҳисоб қилинди.

Бугун республикамизнинг деярли барча вилоятларида Президент мактаблари фаолият юритмоқда. Улардаги таълим сифати эса бошқа таълим муассасалари учун намуна вазифасини бажаряпти, десак муболаға эмас. Зеро, мазкур даргоҳларда ўқиб-оқиб билдириб ҳужжат топширган ўқувчилар сонига қараб жамиятимизда илмга қизиқиш ошганини кўриш мумкин.

Жаҳон меҳнат бозорига фақат илмли инсонларга талаб ошаётганини ҳисобга олсак, ихтисослаштирилган мактаблар қамровини кенгайтириш ҳамда тизимни тўдан такомиллаштирган ҳолда халқаро талабларига мос равишда ишни ташкил этиш даркор. Юртбошимиз ўқитганидек, "Ихтисослаштирилган мактаб дегани 2 соат кўп дарс ўтиш дегани эмас. Унда болалар махсус фан бўйича тўлиқ билим, кенг дунёқарашга эга бўлиши зарур. Ўқувчиларда миллий рух, ватанпарварлик ҳисси банд бўлиши керак".



Янги ўқув йилидан бошлаб Нукус шаҳри ва вилоят марказларида иккитадан, туман ва шаҳарларда биттадан мактаб танлаб олинди, Президент таълим муассасалари агентлиги тизимига ўтказилиши аини мақсад учун кўйилган тамал тоши бўлди. Худудлардаги шароитларни ўрганиш, танланган мактабларни янги стандартлар асосида ўқув йилига тайёрлаш учун ишчи гуруҳ тузилиши эса ўша худудда ривожланган тармоқлар, азалдан кучли ўқитилган фанларга алоҳида эътибор қаратилиб, самарадорликка хизмат қилишини таъминлайди. Мазкур таълим масканлари қабул тартиби, ўқувчи ва муаллимлар билимини баҳолаш тизимини ҳам қайта кўриб чиқиш эътибордан четда қолмади. Президент таълим муассасалари агентлигига педагогларни қўшимча ўқитиш, миллий ва халқаро сертификатлар олишига кўмаклашиш вазифаси юклатилди. Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш маркази негизда илмий марказ ташкил этилиши ихтисослаштирилган мактабларнинг ҳар бир йўналиши бўйича халқаро методика асосида илғор таълим дастурлари ишлаб чиқишга замин яратиб, юқори натижаларни кўлга киритишга асос бўлади.

Ўзбекистон дунё мамлакатлари қаторидан тобора муносиб ўрин эгаллаб, ўз обрўсини янада мустаҳкамлаб бораёти. Бу жараёнда илм-фан ютуқлари, иқтисодий ўсиш, спорт, маданият соҳасидаги муваффақиятларимиз асосий ўринини эгаллаётгани ҳеч кимга сир эмас. Келгусида янада улкан марраларни забт этиш учун бизга, энг аввало, ҳозирги замон талабларига мос билимлар билан қуролланган, манتيқий фикрлайдиган, лидерлик қобилиятига эга бўлган ватанпарвар ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли вазифа олдимизда турибди. Шу муносабат билан мазкур вазифани сидқидилдан адо этишда соҳа мутасаддилари, маҳаллий ҳокимликларга тегишли топшириқлар берилиб, ихтисослашган мактаблар фаолиятини тўдан такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар белгиланди. "Умуман, ихтисослашган мактаблар таълим, илм ва амалиётни ўзига қамраб олган ягона кластер доирасида фаоллик юритиши керак", деди Президентимиз.

**Феруза НИГМАТОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси



ПАРТИЯ ҲАЁТИ



## ТАКЛИФЛАР ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИГА МОНАНД

Инсон қадр қар нарсдан азиз!

Уни улуглаш ҳар биримизнинг инсонийлик вазифамиздир!

Президентимизнинг "Янги Ўзбекистоннинг 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармони лойиҳасининг бош мазмуни ва ғояси ана шундан иборатдир.

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдаги давра суҳбатига партия фаоллари, депутатлар, бошланғич партия ташкилоти аъзолари аини фикрни бот-бот таъкидлашди. Айниқса, стратегиянинг учинчи йўналишида Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг асосий ғояларидан бири – миллий иқтисодий ривожлантириш борасида қатор вазифалар кўзда тутилган. Бу албатта, сиёсий куч электорати бўлган тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфа-

атларига тўлиқ хизмат қилади. Зеро, стратегиянинг 2022 йилдаги "Йўл харитаси"да белгилангандек, рақамли иқтисодиёт асосий "драйвер" соҳага айлантирилади. Унинг ҳажмини камида 2,5 баробар оширишга қаратилган ишлар олиб борилади. Дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажми 5, уларнинг экспорти эса 10 баробар оширилиб, 500 миллион АҚШ долларига етказилади. Қишлоқ хўжалиги илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромади камида 2 баробар оширилади, соҳанинг йиллик ўсиши камида 5 фоизга етказилади. Буларни амалга ошириш учун бизда имконият, шарт-шароит ва салоҳият етарлидир. Йиғилишда ана шу таъкидлар баробарида лойиҳага O'zLiDeP мақсад ва ғояларидан келиб чиқиб, электорат манфаатига хизмат қилган бир қатор таклифлар билдирилди.

**O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати**

## "Маданият" да ҳам БИТ очилди

Маслақдошлар билан бир сафда туришнинг завқи бўлакча-да. Албатта, бу ўринда туман ва шаҳар кенгашларининг партияга янги аъзоларни қабул қилиш борасидаги тарғибот ва ташвиқотларининг самараси алоҳида эътиборга эга.

O'zLiDeP Сайхунбод туман кенгашининг ана шундай фаолигини тан олиш керак. Айниқса, аппарат раҳбари Абдуҷаббор Эр-назаров кўннинг бошини бириктириш ва ҳар бир тадбирнинг таъсирли ўтказишда яхши тажрибага эга. Тадбирлар байрамона

ташкиллаштирилди, уларда туман маданият бўлими ходимлари иштирок этишарди. Қарийб икки йиллик ҳамкорлик ҳамфикрликка ҳам туртки бўлди.

Туман маданият бўлими мудири С. Мансуровнинг ташаббуси ҳар икки тарафнинг мақсадини янада мустаҳкамлади.

– Барча ходимларимиз O'zLiDePга аъзо бўлишга қарор қилишди. Биргаликда янада фаол бўлишга аҳд қилдик, – деди у.

Партия туман кенгашининг навбатдаги йиғилишида янги – "Маданият" бошланғич партия ташкилотининг аъзоларига партиянинг аъзолик билетлари топширилди.

**O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши матбуот хизмати**



Келинг, одатдан чекинмай бир мозийга қайтиб оламиз. **Халқ сўзи:** Айтишлари-ча, XIX асрда Марказий Осиёга келган сайёҳ бозорда бир манзаранинг гувоҳи бўлиб, донг қотмади. Баён булким, кабобпаз зирваклаган гўштини исқирт панжасида пашмалаб, сўнг бўлакларни сихларга тортар, гўшт устида мавсумий мижғов – пашшаю ҳар балолар гужғон ўйнашига парво қилмас, кўра сихларни тартиб билан терар, бурқисан тутунни елтир, пишгач эса хўрандаларга пешма-пеш узатар эди. Ошқозони пиёз пўстак эса-да, сайёҳ оч қолади. Жимгина карвонсаройга жўнайди. Пичирлаб-пичирлаб кетади: эпидемияга учрайди-ку булар бу кетишида. Аммо сайёҳ шашликхўрликнинг бир маросимига эътибор бермайди. Пиёз. Ҳа, кабобпаз шашлик устига тўғралган пиёздан кўп ва хўб тўшар эди...



# ОВҚАТЛАНИШ ЖОЙЛАРИ:

## ҚАЧОН ТАРТИБ ЎРНАТИЛАДИ ЁКИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИ, ГИГИЕНА, НАРХ-НАВОНИ КИМ БЕЛГИЛАЙДИ?

Қарийб бир ярим аср наридаги манзара сизга танишиши? Айнан ҳодисама-ҳодиса бўл-маса-да, таниш кўринишлари, демек, кунимиз ҳалиям пиёзга қолган. Икки кўлни кўксимизга қўйиб тан олишимиз керак, миллий журналистиканимиз ижтимоий-маданий соҳанинг барча соҳаларига бирдек кириб бормаган. Инчунин, "ресторан танқидчилиги" йўналиши деярли эмбрион босқичда, десак хато бўлмайди. Зеро, қаерда танқид бўлса, муаммолар жамоатчиликка олиб чиқилсагина, ечим топиши – аксиома. Демак, замонавий тилда фуд (food) журналистика аталаётган йўналиш ривожини айни кунларда энг зарур ва ниҳоятда долзарбдир.

– Энди ака, кафемизнинг бу қисмини таъмирляймиз, шунга... Бир-икки кунда тугатамиз. Алдаяпти, бу туришда яна камида 20 кунлик иш бор. Қизиги, менга ўхшамаш хўрандалар ҳеч нарса бўлмагандек, ҳаққалай-ҳаққалай ҳолатхона томон тинимсиз қатнар, гўёки одати ҳолдек қабул қилишарди. – Бошқа жойга бораёлик, – дедим стулга асабий чўкарканман. – Ие, биз буортма бериб қўйдик-ку?... Ўша кун қайтишда жўраларнинг бош-гурунги нима бўлган деб ўйлайсиз? Ҳа, ўлман!

### АНИҚЛАШТИРИБ ОЛАМИЗ

Умумий овқатланиш корхонаси (УОК) – умумий овқатланиш соҳасида кулинария ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотини тайёрлаш, сотиш ва истеъмол қилишни ташкил этиш ҳамда хизмат кўрсатиш бўйича функцияларни бажарувчи тадбиркор.

**Ресторан** – номига эга бўлган, мураккаб усулда тайёрланадиган юқори сифатли кулинария ва қандолат маҳсулотлари кенг асортиментини ҳамда ичимлик тақдим этадиган энг қулай умумий овқатланиш корхонаси.

**Вагон-ресторан** – йўлда юриш давомида темир йўл транспорти йўловчилари ва поезд бригадалари ходимларига нонушталар, тушликлар, кечки овқатлар, қандолат маҳсулотлари ва ичимликлар билан хизмат кўрсатиш учун мўлжалланади.

**Бар** – тик турган ҳолда истеъмолчиларга ичимлик ва газлақлар билан хизмат кўрсатишни (столчалар ёнида хизмат кўрсатиш билан бир қаторда) ташкил қилади.

**Кафе** – истеъмолчиларга қайноқ ва совуқ ичимликлар, қандолатчилик, сут маҳсулотлари ҳамда тайёрланиши мураккаб бўлмаган кулинария маҳсулотларини тақдим этади. Сотиладиган маҳсулотлари ёки йўналишига кура кафелар: ширинлик, музқаймоқ, сут кафе, болалар кафе, ёшлар кафеи ва шу кабиларга ихтисослашган бўлади ва кечки вақтда мусикий хизмат кўрсатиши мумкин.

**Кафетерий** – дўкон ёнида шу жойнинг ўзида истеъмол қилинадиган иссиқ ичимликлар, сут, шарбат, бутербродлар, қандолат маҳсулотлари ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш учун ташкил этилган бўлиб.

**Ошхона** – истеъмолчиларни нонушталар, тушликлар ва кечки овқат билан таъминловчи корхона.

Ошхоналарнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- умумий равишда фойдаланиладиган;
- саноат корхоналари;
- муассасалар;
- курилишлар;
- ўқув юрталари.

**Чойхона** – чойнакда чой бериш хизмат кўрсатишининг асосий тури ҳисобланадиган корхона. Бундан ташқари, чойхонада турли хил обинолар, миллий ширинлик, қандолат, булка маҳсулотлари ва бошқа буфет маҳсулотлари бўлиши мумкин.

**Буфет** – истеъмолчиларга чекланган турдаги қайноқ ва салқин ичимлик, совуқ ва газли таомлар, нон-булка ва қандолат маҳсулотлари, шунингдек, ошон тайёрланадиган иссиқ ва ширин таомлар билан текоз хизмат кўрсатадиган корхона. Унда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ёки официантлар хизмат кўрсатиш қўлланлиши мумкин.

Хў-ў-п, мана аниқлаштириб олдик. Аммо саккизтагина саволимиз бор.

### МУТАХАССИС: СОҲАГА ОИД КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН ҲАМДА УЎҚУВ ЮРТИНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ!



Саволларимизга Ўзбекистон ошпазлар уошмаси раиси Акбар Умаров жавоб қайтаради.

– **Ўзбекистонда умумий овқатланиш корхоналари (УОК) ҳақида (бино, шариит, гигиена, хизмат кўрсатиш) ҳақида фикрингиз.**

– Бугунги кунда илгарига нисбатан УОК бинолари шарт-шароитлари, гигиеник ҳолати анча яхшилانган. Лекин виллоятларнинг чекка-чекка жойларида айни ҳолат, кўпол қилиб айтганда, ачинарли аҳволда. Тўғри, олис ҳудудларда ҳам яхши жойлар бор, ишлар яхши ташкил этилган, бироқ яхшиликдан кўра шариити йўғи кўпроқ. Чунки биз республика бўйича жуда кўплаб УОКларга кириб, ўрганиб, танишиб келямиз ва бу фикрлар ана шу ўрганишлар натижасидир.

– **Емакхоналар (ресторан, ошхона, fast-food) аслида қандай бўлиши керак?**

– Бир жиҳатни таъкидлаш жоиз, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган fast-food, ресторан ошхоналари бошқа жойларга нисбатан намуна сифатида кўрсатсак бўлади. Албатта, буларда ҳам замонавий жиҳозлаш масаласида айрим камчиликлар бор. Мана, дунё миқёсида эътироф этилган брендлар кириб келмоқда. Бу яхши, лекин маҳаллий корхоналар ҳам дунё стандартларига жавоб берадиган бўлиши лозим, деб ўйлайман. Мисол учун, фаст-фудларда ёғни қайта ишлайдиган жиҳозлар бўлиши шарт, бўлганда ҳам сифатсиз эмас, балки Европа ёки АҚШда ишлаб чиқарилгани бўлиши керак. Бундан ташқари, лойиҳалаштириш масаласи. Лойиҳа шундай бўлиши керакки, вентиляция, яъни таом тайёрлаётганда чиқаётган ҳар хил хидларнинг хўранда утирадиган залга тарқалишининг олдини олиш учун махсус мўрилар ўрнатилиши шарт. Бу ҳозирда ошхоналарга қўйилаётган энг жиддий талаблардан биридир. Шунингдек, ҳожатхоналар, санитария гигиена воситалари доимий эътиборда туриши зарур. Айниқса, ҳозирги пандемия шариитида...

– **Соҳага оид қандай шарт-шароитлар яратилган ва яна қандай имкониятлар бўлишини истар эдингиз?**

– Дунё халқлари таомлари бўйича, масалан, "хитой ошхонаси", "француз ошхонаси", "итальян ошхонаси" каби тематик рестороналарга давлат томонидан 100 миллион сўмдан субсидия ажратилапти. Бу рағбат, албатта. Имкониятлар ҳақида гап кетаркан, улар шундай бўлиши керакки, мана, очик бозорда ҳамма ишлаяпти, лекин улар маълум категорияларга ажратилмаган. Ресторан нима? Кафе нима? Ошхона нима? Тўйхона нима? – булар ажратилиши керак. Ҳозир бизда тўйхонани ҳам ресторан деб қўйганмиз, кафеми ҳам ресторан деймиз ёки тескариси. Йўқ! Булар категорияга бўлинса, яхши бўлар эди. Шунда мижозлар, қираётган хўрандаларни қайси жойга қанақа шариитга кириб бораётганини ҳамёнидаги маблағига қараб белгилаш бўларди. Ундан ташқари, хизмат кўрсатиш даражалари ҳам шунга монанд ажратиларди.

– **Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан қўйиладиган талаблар меъёрдами?**

– Меъёрдамас десак, янглишган бўламиз. Айтиш жоиз, баъзи бир корхоналарда бунга эътибор қаратилмаяпти. Бироқ аксарияти талабларни бажаряпти.

– **Айнан қайси ҳарактердаги хўрандалардан шикоят қиласиз?**

– Биласизми, кўпинча спиртли ичимликлар ичиб ёки таомланиш маданиятига риоя қилмайдиган хўрандаларга эътироз кўп. Чунки ичкилик оқибатида сархуш бўлиб, пойинтар-сойинтар гапириб, хизматчи-официантларни ҳақоратлашга тушади ёки таом тайёрлаган ошпазга сўқади. Бу жуда кўнглисиз. Чунки соҳамизнинг ҳар бир вакили хушам таомлар ила мижознинг эътиборини қозонишга ҳаракат қилади.

– **Соҳани ривожлантириш бўйича таклифларингиз...**

– Биринчи навбатда кадрлар тайёрлаш муаммоси. Муаммоки, республика бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида официантлар тайёрланмапти. Ҳеч қандай махсус ўқув билим юрталари йўқ. Пазандалик мактабларида ёки сервис бўйича ўқитиладиган баъзи бир хусусий марказлар бор, лекин улар етарли даражада эмас. Хизмат кўрсатишда официантларнинг ўзини тутиши, хўранда олдида келиб-кетишида ўзбек менталитетига зид хатти-ҳаракатлари жуда салбий таъсир қилади. Шунинг учун хизмат кўрсатувчи официантларни тўғри ўқитиб, йўналтира олак, хизмат кўрсатиш соҳаси анча ривожланади. Пазандаликда ҳам бир неча йиллардан бери мутахассислар тайёрланиб келинмоқда. Соҳадан келиб чиқсак, ўзбек халқининг бошидаги тожи – пазандачилик! Шундай таомларимиз борки, истеъмол қилган одам лол қолади, бироқ пазандачилик ҳам махсус тоифаларга ажратилса мақсадга мувофиқ бўларди.

– **Тошкент шаҳрида емакхоналар манзиллари ва менолярини (нархи-наво) бир тизимга жойлаган электрон платформа мавжудми? Агар мавжуд бўлса, такомиллаштириш учун яна нималар қилиш керак?**

– "Restoran.uz", "arbu2"... умуман бир қанча платформаларни санаб мумкин. Ресторанлар, кафелар, тўйхоналар бу порталга киритилган. Аксарияти шу платформа орқали ишлаяпти. Такомиллаштириш учун электрон тизимни янада ривожлантириш зарурати мавжуд.

– **Қўшимча фикр-мулоҳазалар...**

Ҳар бир соҳада малака ошириш тизими бўлганидек, мазкур соҳа вакиллари ҳам 3 йилда бир марта малакасини ошириб туриши шарт. Ана шундагина очик бозор шариитида ишлаётган корхоналар рақобатбардор бўла олади. Кўпчилик ўйлайдики, "УОКдан олинган фойда жудааям катта!" деб. Агар кадрларни қайта тайёрлаб, меҳмон қутлиладиган заллар мавсум ва байрамларга мослаб безатиб турилса, идиш-товоғидан тортиб, ёзиладиган дастурхонига янгилаб турилса, мижозларга қулай шариит бўлади. Мижозларнинг узлуксиз ташрифи таъминланади. Шунингдек, тақдорлашга мажбурланган, УОКларни тоифалаштириш. Яъни, бозордаям уч хил нарх бор. Масалан, олманинг уч хил навида – уч хил нарх. Худди шу сингари УОК ҳам 1, 2, 3 категорияларда белгилаши керак. Ана шунда мижозлар, хўрандалар кириб овқатланадиган корхоналарнинг даражалари аниқланиб борилади. Бу ёндашув рақобатга кенг йўл очади. Сифат ошади. Ривожланиш бўлади.

Хизмат кўрсатиш бўйича бир кўрни қўйиб шашлик тайёрлаётган ёки қозон-учоқни ўрнатиб, ошини мақтаётган одам албатта арзон сотади. Сабаби, у бинонинг коммунал хизматлари тўлиқ тўламайди, ёпиқ жойда хизмат кўрсатаётган одам бинони ижарага олган бўлиши мумкин ёки бинонинг харажатларини тўлиқ қоплаётган бўлиши мумкин, шу туфайли у устама ҳақларини юқориқроқ қўйишга мажбур бўлади. "Street food" (кўча овқати) қилиб, емаклар сотилаётган жойлар алоҳида бино ичида фаолият кўрсатаётган ресторан, кафе, ошхона билан рақобатбардор бўлиб қоляпти. Айтмоқчиманки, кўча таомлари бошқа, УОКда тайёрланадиган таомларнинг тури бошқа бў-

лиши керак. Шунингдек, УОКларда ишлаётган мутахассислар бошқа шу турдаги корхонага ишга жойлашганда аввалги ишхонасидан тавсинамо талаб қилиш тартиби ҳам жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

### ИСТЕЪМОЛЧИЛАР НИМА ДЕЙДИ? САНЭПИДХИЗМАТИ-ЧИ?

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясидан олган маълумотимизга кўра, ҳозирда федерацияга истеъмолчиларлар томонидан умумий овқатланиш соҳасида кўплаб муурожаатлар келиб тушмоқда. Ушбу муурожаатларнинг аксарияти умумий овқатланиш жойларидаги гигиеник талабларнинг йўқлиги, кўрсатилмаётган хизматлар талаб доирасида эмаслиги, баъзи бир таомларнинг нархи ҳаддан ташқари баланглиги юзасидан эътирозлардир. 2021 йил давомида федерация ва унинг худудий бўлинмаларига муурожаат томонидан қилинган муурожаатлар соҳалар кесимида таҳлил қилинганда, истеъмолчилардан жами 11 220 та муурожаат келган бўлса, шулардан 612 таси (5,4 %) умумий овқатланиш соҳасига, 923 таси (8,2%) хизмат кўрсатиш (сервис) соҳасига, тўғри келган.

Энди, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати тақдим этган рақамларга эътибор қаратсак.

2021 йилда дислокация бўйича 22 166 та умумий овқатланиш корхоналари объектлари рўйхатга олинган. Шулардан 2 184 тасида текширув ўтказилган. 462 та УОКка жарима қўллаш учун судга юборилган. 1 та ҳолат прокуратурага тақдим қилинган.

### НАРХНИНГ НАВОСИ БАДАБАҢГ

Соҳа мутахассисини мутасаддиларининг дарду ташвишларидан маълум бўлаётгани, УОКлар борасида қилиниши лозим бўлган ишлар анчагина. Бир қарашда уларнинг деярли 99 фоизи тадбиркорлик субъекти бўлган учун қатъий назорат чораларини қўллаш душвор (*Мақола тайёрланиши мобайнида санэпидхизмати масъул ходими айтдики, "Тадбиркорлар фаолиятига аралашмаймиз, майда камчиликлар аниқланганда кўпинча огоҳлантириш билан чекланамиз. Бошқача айтсак, муассаса раҳбарининг виждонига ҳавола қилаёلمиз"* – тахририят). Чунки юртда тадбиркор қанча кўпайса, шунча иш ўрни бўлади, одамлар бойида. Ахир давлат сиёсатининг устувор йўналиши – бу.

**Аммо... истеъмолчиларнинг аксарияти тамадди бадалининг қимматлигидан нолиётгани ҳам бор гап. Майли, "Пулинга яраша жойга боргин, хўпми?" илдоасига қўнган бўлайлик. Ва, очик қолаётган савола-римизни келтирайлик:**

1. УОКларда таомнома (меню) нечоғлик шаффоф? Нон неча грамм, шурвадаги гўшт, салат ва ҳоказолар таркиби, миқдори айнан келтирилса, "нарх сирини" очилиб қолади-ёв. Лаббай?

2. Хизмат кўрсатувчи ходимнинг тиббиёт дафтери ва кунлик тиббий кўриқдан ўтганини қаерга осиб қўйгансиз?

3. Айнан бир хил худуд, бино шариитида ва бир туркумда таом тайёрлайдиган УОКларда нега хизмат кўрсатиш нархи ҳар хил?

4. Умуман, тинимсиз ошиб бораётган нархлар фақатгина бозор иқтисодиёти шариитига тиркаб қўйилиши нечоғлик асосли?

5. Нархларни асоссиз меъёрдан оширилганлиги учун жавобгарлик масаласини қўйиш пайти келмадимми?..



...УША КУНИ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ УТАЁТГАН ЭДИ. ҒУЗОР ТУМАНИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ ЭРИНМАСДАН ЁНДАФТАРЧАСИГА ЁЗИБ ОЛАЁТГАН 9-ГУЛИСТОН САЙЛОВ ОКРУГИДАН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ, O'zLiDeP ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСИ ШУХРАТ АСЛАНОВ ОЛДИНГА ЧИҚИБ КЕЛГАН ҚИЗЧАГА ХАЙРОН БЎЛИБ ҚАРАДИ.

## ҚАДРЛАНГАН ЖОЙДА АЗИЗДИР ИНСОН

Шухрат АСЛАНОВ,  
O'zLiDeP Қашқадарё  
вилоят кенгаши раиси



– Мен 34-мактаб ўқувчиси Мадинабону Ашуроваман, – деди у тўплаганларга тикилганча. – Китоб ўқишни яхши кўраман, шеърлар ёзаман. Майлими ўқиб берсам?

– Марҳамат, қизим, Зулфияхонимнинг издошларини албатта эшитамиз-да.

Мадинабону анчагина иқтидорли экан. Она, баҳор, Ватан, устозларга ҳурмат мавзуларига бағишланган қораламалари гулдурас қарсақлар билан олқишланди. Депутат қизчанинг келгусидаги ўқишига муваффақиятлар тиларкан, анжуман охирида шу ерда қилишни илтимос қилди.

Сайловчилар билан мулоқот давом этди. Мурожаатларнинг аксарияти янги иш ўринлари яратиш, ичимлик суви ва табиий газ таъминотини яхшилаш, йўлларни таъмирлаш, мактабга таълим муассасалари сонини кўпайтириш ҳақида бўлди. Депутат умид ва ишонч билан қўқиб турган юртдошларининг ҳар бир мурожаатини синчиклаб ўрганиш ва барчасини имкони етгунича ижобий ҳал этишга ваъда берди.

Кўп ўтмай бир қути китоб кўтариб олган киши кўринди. Депутат унинг қўлидан жохон ва ўзбек адабиёти намояндаларининг шеърли китобларини олди-да, Мадинабону ва учрашувга келган бошқа ёшларга улашиб чиқди. Ҳалиги адабиётга меҳр кўйган қизчанинг кувончини сўз билан тасвирлаб беролмаймиз.

– Яхши-яхши шеърлар ёзаверсанг, устоз шоирлар назаридан ўтса, китобингни ўзим чиқариб бераман, – деди Ш.Асланов...

Бу – сайловчилар билан бўлган юзма-юз мулоқотлардан биргина лавҳа, холос. Утган қисқачина муддат ичида ўндан ортиқ ана шундай учрашувлар ўтказиб, одамларнинг дардига қўлоқ тутди, уларни қийнаб келаятган муаммоларининг мақбул ечимлари устида қаттиқ ишлади. Изланса, ҳаракат қилса, ҳар қандай мушкулотни ҳам бартараф этса бўлар экан.

Яхшиши, ҳаётини мисоллардан келтирайлик: айнан Шухрат Аслановнинг саяё-ҳаракатлари билан туманда бир нечта мактабга таълим муассасаси бунёд этилиб, капитал таъмирланди. Хусусан, “Файзобод”, “Ну-

рафшон” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудиди қаровсиз бўлиб ётган боғчалар фаолияти қайтадан йўлга қўйилди. Уларга асосан “Аёллар дафтари”да қайд этилган хотин-қизларни ишга олиш талаби қўйилди. Бугун йиғирмага яқин хотин-қиз ўзлари овоз берган жонқуяр депутатни дуо қилганча, жажжи ўғил-қизлар тарбияси билан машғул. Улар ўз иш жойларига эга бўлишга, ҳаётларига мазмун, рўзғорларига барака кирди.

Туманда оқова сув бироз тақчиллиги сабаб деҳқончилик қилишда қийинчилик бор. Аммо паррандачилик, лалми узумчилик, гиламчилик, зардўзлик, тикувчилик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган хотин-қизлар ва ёшлар ҳам шу депутатнинг кўмаги билан банклардан молиявий кўмак олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга шайёр. Шакарбулоқ қишлоғида яшовчи 5 нафар хотин-қизга тикув машинаси ҳамда дастлабки фаолият учун матолар олиб берилди.

– Президентимизнинг сайловолди дастуридаги “Инсон қадрини унун” тамойилига асосан ишлаб чиқилган, етти устувор йўналишдан иборат “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳаси маслақдошларимиз томонидан кенг муҳокама қилинди, – дейди биз билан суҳбатда Шухрат Асланов. – Бу муҳим ҳужжат асосида амалга оширилаётган охиётлар марказида инсон қадрини тамойилининг мавжудлиги, асосий эътибор халқимизни ўйлантираётган муаммоларнинг ечимини қаратилиши билан аҳамиятлидир. Айниқса, унда таъкидланганидек, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини ҳам маънавий, ҳам моддий томондан қўллаб-қувватласак, миллий иқтисодий таъминоти ривожланибгина қолмасдан, инсон ҳаётини тубдан ўзгартиришга асос бўладиган каттагина сармоа яратилади. Тарихдан маълумки, кишини маъмурилик сари элтадиган биргина восита ҳалол меҳнат билан ишлаб топилган бойлик – инсон капиталидир. Ана шундангина биз барпо этаётган халқларвар давлатнинг бош

ғояси инсон қадрини юксалтириш орқали эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш эканлиги амалда намоеён бўлади.

“2021–2023 йилларда Қашқадарё вилоятининг Ғузор ва Яқкабоғ туманлари марказларини ободонлаштириш ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастури”га кўра Ғузор туманида ичимлик суви таъминоти объекларини бунёд этиш ва реконструкция қилиш ҳамда қурилиш материаллари ва жиҳозлари хариди “Ўзнефтгаз” АЖнинг 28 млрд. сўм микдоридида хомийлик хайриялари ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридида Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилятир. Аҳолини ичимлик су-

ви билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида туманимиз замини остидаги шўр сув ҳамда оқова сувларни тозалаш иншоотларини барпо этиш ишига тадбиркорларни жалб этиш таклифи билан чиқдик. Тез орада ана шундай иншоотлар барпо этилган, аҳолининг ичимлик суви таъминотида жиддий ўзгаришлар бўлади. Туманимиз газ конларига бой бўлса-да, ҳали кўпчилик қишлоқларда, яшириб нима қиламиз, табиий газ ўтказилмагани ҳақиқат. Қарор асосида 14 та маҳаллага табиий газ тармоқларини тортиш жадвали билан олиб борилмоқда. Хўжагузар қишлоғига газ қувурлари тортишга имкон қадар хомийлик қилдик. Тез кунларда бу қишлоқлардаги хонадонларда “зангори олов” порлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, туман заводлар оралиғида жойлашганлиги боис, нефть ва газ корхоналаридан чиқаётган захарли газлар туфайли оғир экологик ҳудуд ҳисобланади. Улар теварак-атрофга ёмон таъсир этаётганлиги боис онкологик, юрак-ишемик касалликлари, чақалоқларнинг туғма нуқсон билан туғилиши, ҳомила ривожланмай қолган ҳолатлар кўп учрайди. Захарли газлар таъсирини камайтириш мақсадида зарарсизлантириш ускуналари ўрнатилишини дастурларга киритиш борасида амалий ишлар бошланган.

Шухрат Асланов Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида туманда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишига раҳбарлик қилди. Унинг ташаббуси билан Ғузорда “Депутатлар боғи” ташкил этилиб, 200 туп мева ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. “Гулистон” ва “Дултали” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларини ободонлаштириш мақсадида мева ва манзарали дарахт кўчатлари мажмуа томонидан етказиб берилди. 31-мактаб ҳудудига ҳам 100 туп кўчат тарқатилди.

Депутат ташаббуси билан туман автомобиль йўлларини таъмирлаш борасида ҳам кенг кўламада иш олиб бориляпти. Вилоят Автомобиль йўллари бошқармасига юборилган депутатлик суровидан сўнг 4R 88 Манғит қишлоғи – “Шўртан газ кимё мажмуаси” йўлининг 30 километр қисмига асфальт қоплама ётқизиш ишлари якунланиш арафасида. “Шерали”, “Шакарбулоқ”, “Янгикент”, “Эшонқудук” ва “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидидаги 30 километр ички йўллар раванлаштирилиб, шағал ётқизилди. Машғал маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидида яшовчи кам таъминланган оила соҳибаси М. Муродовага депутат ташаббуси билан барча қулайликларга эга янги ўй қуриб берилди. “Нурафшон” МФЙ ҳудудидидаги қабристон атрофи бетон девор билан ўралди. “Тошгузар”, “Тенгдош”, “Дултали”, “Нурафшон”, “Машғал” ва бошқа фуқаролар йиғинларида яшовчи 60 нафарга яқин кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, навиронлиги бўлган фуқароларга мунтазам равишда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш йўлга қўйилган.

Шухрат Асланов улкан мажмуа директори, партия вилоят кенгаши раиси ва депутат сифатида зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан адо этиш орқали барча депутатларга ўрнак бўлмоқда. Айнан мана шу куйинчак инсоннинг ташкилотчилиги, ташаббускорлиги боис вилоятда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш борасида қатор хайрли ишлар қилинмоқда. У вилоят кенгаши ва O'zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан воҳанинг чекка ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш мавзусида ташкил этилган тадбирларда фаол қатнашиб, маърузалар қилади. Якунланган йилда партия фаоллари ва депутатлари томонидан воҳалик йигит-қизлар учун беш юздан кўпроқ янги иш ўринлари яратилгани бунинг яққол далилидир.

Сайфулла ИКРОМОВ,  
“XXI asr” мухбири

### ИСЛОҲОТ

ШАВКАТ АКА МШАРИПОВ, МЕҲНАТ ФАҲРИЙСИ: “ҚИРҚ БЕШ ЙИЛДАН ОРТИҚ ШУ ТИЗИМДА ИШЛАДИМ, ЙИГИРМА ЙИЛ ВИЛОЯТ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛДИМ”.



## Хоразмда чироқ ўчмайдиған кунлар яқин

Вилоятга ўтган асрнинг олтинчи йиллари охиридан бошлаб электр энергиясини Тахياتош иссиқлик электр станцияси етказиб бера бошлаган. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ўша даврда вилоятда кўпи билан ўн бешта саноат корхонаси бор эди, холос. Аҳоли сони ҳозиргидан уч баравар кам. Яна хонадонларда электр ускуналар, ҳатто музлаткичлар ҳам йўқ эди. Ҳозир эса ҳар хонадонда икки-учтадан телевизор, музлаткич, иситиш мосламалари ишлаб турибди. Саноат корхоналари сони мингдан ошиб кетган. Тадбиркорлик тизимлари билан сув чиқариш насослари ҳам тўла электр энергиясида ишлайди. Бундай шароитда электр энергияси таъминотида тақчиллик юзага келиши табиий ҳол. Вазиятни олдиндан ўрганиши ва зарур чораларни кўриши керак бўлган тизим раҳбарлари бу борада ҳукуматга таклифлар билан чиқшаманми... бу энди масъуллар айби. Аммо сўнги йилларда бу муаммо бартараф этилиши учун Президентимиз томонидан бир қатор

қарорлар қабул қилиндики, натижада вилоят кейинги йиллик электр энергияси билан ўзини-ўзи таъминлаш имконига эга бўлади. Бу тизимда қўрилмаган ва катта силжиш, деб бемалол айтиш мумкин!”

Дарҳақиқат, аҳоли сони ошиши, саноат корхоналари кун сайин кўпайиши, фуқароларнинг электр энергиясида ишлайдиган ускуна ва жиҳозларни хонадонларининг яқин ёрдамчисига айлантиришгани – юқоридаги муаммони келтириб чиқарган эди. Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари бошида иш бошлаган Туямўйин гидроэлектр станцияси фақат дарёда сув оққан даврда, йил давомида кўпи билан саккиз ойгина ишлаб чиқарган электр энергияси фақат бир шаҳар ва туман аҳли эҳтиёжларини таъминлай оларди.

Энди эса... Хоразмда бир эмас, иккита электр станцияси қурила бошлади. Янгириқ туманида Туркиянинг “ODAS EHERJIA S” компанияси билан ҳамкорликда иссиқлик электр станцияси қурилиши ўтган йил кузиди бошланган. Қиймати 105 мил-

лион АҚШ доллари бўлган иссиқлик электр станцияси 174 МВт электр энергияси ишлаб чиқаради.

Президентимизнинг 2025 йилгача юртимизда шамол ва кўёш электр станциялари қуриш борасидаги топшириқлари ижросини таъминлаш учун Тупроққалъа туманининг Саримой мавзесида давлат-хусусий шерикчилик асосида қуввати 100 МВт бўлган кўёш фотоэлектрлик станцияси ҳам қурила бошлади.

Бу икки электр станцияси жорий йилда фойдаланишга топширилши режалаштирилган. Шундан сўнг 283 маҳалла ва мингдан ортиқ корхоналар узлуқсиз электр токи билан таъминланади.

Демак, бу ёқда Тахياتош иссиқлик электр станцияси ҳар йили вилоятга 300 МВт электр энергияси етказиб бераётгани, вилоят электр истеъмолчилари эҳтиёжи 500 МВт.ни ташкил қилишини айтсак... Хоразмда чироқлар ўчмайдиған вақт яқин!

Рўзимбой ҲАСАН,  
журналист

## ҲУҚУҚИЙ МАЪЛУМОТИ БОР, ЛЕКИН СУДЛАНГАН...

Ҳуқуқий маълумоти бор, лекин судланган...

– Юридик маълумотга эга, бироқ судланган шахс нотариус бўлиши мумкин эмасми?



“Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасига биноан, қуйидагилар нотариус бўлиши мумкин эмас: муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахс; қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб

## “XXI ASR” ЖАВОБ БЕРАДИ


С. РАҲМАТОВА  
Чиноз шахри

ташланмаган шахс; нотариус, адвокат, терговчи, суриштирувчи, прокурор, судья ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколатлари ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этгани учун тугатилган шахс — уч йил мобайнида.

## МАЛАКА ИМТИҲОНИ ТОПШИРИШ ШАРТМИ?

– Хусусий нотариус бўлиш учун малака имтиҳони топшириши шартми?

С. ОМОНОВА  
Урганч шахри



Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус мақомига эга бўлишга талабгор шахс лицензия олиш учун малака имтиҳони топшириши шарт, “Нотариат тўғрисида”ги қонун 15-1-моддаси. Малака

имтиҳонини топшира олмаган талабгор уни такроран топширишга камида олти ойдан кейин қўйилади. Бу имтиҳонни муваффақиятли топширган талабгор бир ой муддат ичида Қорақал-

поғистон Республикаси Адлия вазирлигига, адлия бошқармаларига лицензия олиш учун мурожаат қилиши керак. Талабгор томонидан лицензия олиш учун мурожаат қилиш муддатининг узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилши лицензиянинг амал қилишини тугатишга асос бўлади.

Дилноза ХАЙРУЛЛАЕВА,  
Шаҳрисабз шаҳридаги “Хайруллаева Дилноза” хусусий нотариус идораси нотариуси



# МЕНКИМ СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН...



**ҲАР БИР ХАЛҚ ТАРИХИДА ВАТАННИНГ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ УЧУН ЎЗИНИ ФИДО ЭТГАН, ЭЛДОШЛАРИНИ ТАШҚИ ХУРУЖЛАРДАН ҲИМОЯЛАШГА ЖОННИ ТИККАН, МИЛЛАТ ШАЪНИНИ БАРЧА НАРСАДАН ЮКСАК ТУТГАН, БУЮКЛИК МАСНАДИГА ЭРИШГАН ИНСОНЛАР БЎЛАДИ. ШОНЛИ ЎТМИШИМИЗДАГИ АНА ШУНДАЙ УЛУҒ ИНСОНЛАРДАН БИРИ ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ XIII АСР БОШИДА ЯШАБ ЎТГАН. МИНГ АФСУСКИ, ХОРАЗМШОҲ АНУШТЕГИНИЙЛАР СУЛОЛАСИНИНГ СЎНГИ ВАКИЛИ БЎЛИШ УНИНГ ШЎР ПЕШОНАСИГА БИТИЛГАН ЭКАН. У УМРИНИ МЎҒУЛ БОСҚИНЧИЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШГА БАҒИШЛАБ, 1221 ЙИЛДАН 1231 ЙИЛГАЧА ХУРОСОН, ЭРОН, ИРОҚ, ОЗАРБОЙЖОН, ГРУЗИЯ, АФҒОНИСТОН, ШИМОЛИЙ ҲИНДИСТОН, КИРМОН ҲУДУДЛАРИДА ЖАНГУ ЖАДАЛ ИЧРА ЯШАР ЭКАН, НЕ АЖАБКИ, БАЪЗИДА ЭНГ ЯҚИНЛАРИДАН ҲАМ ПАНД ЕГАН. ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ, ТАРЖИМОН КАМОЛ МАТЁҚУБОВ ҚАЛАМИГА МАНСУБ “ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИ ВА СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ” ТАРИХИЙ-ИЛМИЙ БАДИАСИДАН АЙРИМ ЛАВҲАЛАРНИ ҚУЙИДА ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ.**

## МАҒЛУБЛИК ЁТ ЭДИ УНГА

...Султон шу заҳотиёқ отига минди. Мўғуллар жанг бошланишидан олдин Султон кўшини кўп эканлиги ва иш жиддийлигини билганларидан кейин алпқомат лашкарлари ва амирларидан ажратиб овлоқ жойга яшириб қўйгандилар. Жалолитдин лашкарлари билан дарёдан кечиб ўтиб, тик қирғоқдан кўтарилганда кўёш ётоғига бош қўйиб бўлганди. Шу пайт мўғулларнинг пистирмадаги лашкарлари овлоқ жойдан чиқиб Султон кўшинининг чап қанотига ҳужум қилди. Улар қутурган олов янглиғ босириб келарди. Хоразмшоҳнинг чап қанот кўшинини сиқиб олиб келиб, марказ кўшин устига итқитиб ташлади. Улар бор-йўғи бир марта зарба берди, лекин шу зарбанингни ўзиёқ Султон кўшинининг оёғини ердан узди. Байроқлар ва белгиларни кўтариб олганлар ҳам яраландилар. Қиличлар зарбидан қонлар тинимсиз оқди. Аммо чап қанот хонлари, амирлари, лашкарбошилари қаттиқ турдилар. Улар то шаҳидлик қонига булганганларида ҳам қасамларига содиқ қолдилар”.

Ушбу жангда мўғуллардан ҳам, Султон лашкарларидан ҳам кўп одам қурбон бўлади. Жалолитдиннинг жияни Ахаш Малик бадани ёй ўқларидан илма-тешик бўлиб кетгунча курашди. Алпхон, Ортиқхон, Куч Буғахон, Олуқхон, Менглибек Тойи, Алоуддава Отахон каби амирлар “шаҳидлик кафанини киядилар”. Лашкарбошилар орасида Куч тегин Пахлавон, Ҳожиб ал-Хасс Хонберди, амирохур Ўдоқ кабилар тирик бўлади. Жанг пайтида ва жангдан кейин лашкарлар Ганжада исмоилийлар томонидан ўлдирилган Урхоннинг Султон кўшинининг чап қанотида қандай кучга эга бўлганлигини, мардлиқ, матонатда тенгсизлигини эслайдилар. Чунки Султон кўшинининг чап қанотини бошқариб келган Урхон ҳар доим фақат ғалаба қилганди.

Тарихий асарлардан яна бирида Жалолитдин Мангубердининг кўрсатган қахрамонликлари шундай тасвирланади: “Султон марказдан ўрин эгаллади. Аммо бу ерда ҳам тартиб бузилган, туғ ҳимоячилардан узоқлашган, душман уларни ҳар тарафдан ўраб олганди. Қамал доираси тобора қисқариб, игнанинг тешиги мисол кичрайиб борарди. Султон ёнида унинг ўн тўртта шахсий мамлуклари қолди. Шу пайт у орқасига қараб ўз аълабардорларининг байроқни судраб қочиб кетаётганини кўрди. Султон уларнинг орқасидан етиб олиб, найза санчиб ўлдирди. Байроқни қўлига олди. Уни боши узра кўтариб, мўғуллар сафига ҳужум қилиб, ўзи ва сафдошлари учун йўл очди. У қамални ёриб чиқиб кетди. Лаънати Тойнал нўён Султоннинг бу ҳаракатларини кузатар экан, унинг мардлигига тан берди, қахрамонлигини улўғлаб, орқасидан қўлини бизиш қилиб кўрсатиб бундай деди: “Сен қаерда бўлма, ҳар қандай оғир шароитда душман сиртмоғидан

қутулиб кета оласан! Ҳақиқатан, сен ўз даврининг улўғ қахрамонисан, тенгдошларининг буюк йўлбошчисан!”...

Тарихчи Ибн ал-Асирнинг маълумотида кўра, Чингизхоннинг ўғли Ўқтой мўғул кўшинларининг Исфахон яқинида мағлуб бўлганини эшитганидан кейин Жалолитдинга нома жўнатиб, “Сизларга ҳужум қилган бу кўшиннинг бизга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди, биз уларни ўз сафимиздан қувиб юборгандик”, деган фикрни билдиради. Жалолитдин кўшини билан мўғуллар ўртасидаги бу жанг ҳақида Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавийдан ташқари Отамалик Жувайний, Жузжоний, Рашидиддин, Ибн ал-Асир, Сибт ибн ал-Жавзий каби тарихчилар ҳам шунга ўхшаш маълумотларни ёзиб қолдирган.

Исфахон яқинидаги жанг Жалолитдиннинг мардлиқ, матонат, қахрамонлик бобида яна бир бора тенгсиз эканлигини кўрсатиш билан бирга кўшинининг қўдратини, бу кўшин ҳар қандай ёвуз кучга қарши кураша оладиган жасоратли, ҳарбий жиҳатдан етуқ лашкарлардан ташкил топганлигини намойиш қилди. Унинг лашкарлари ўша даврда шарқ давлатларида “енгилмас кўшин” сифатида эътироф этилган. Унинг ҳарбий жараёнда энг кўп қўллаган жанг усулларидан бири – бу душманнинг кўшини марказига ҳужум қилиб, уни пароканда қилиш, унинг ўртасига ёриб кириб, кириб ташлашдан иборат бўлган. Чунки марказнинг ҳалокати кўшиннинг мағлубиятига олиб келган. Шунинг учун Султон ўз кўшинининг марказига мард, доворак, душман кўшини марказига ёриб кира оладиган лашкарлари тўплаган. Унинг ўзи ҳаммиша кўшин марказига бошчилик қилган. Ҳар бир жангда бошқаларга қахрамонлик борасида ибрат, ўрнат қўрсатган. Бундай жанг усуллари унинг мўғулларга қарши Қандахорда, Парвонда, Синд дарёси бўйида, Исфахон яқинида, Кубачага қарши Парасроварда, грузинларга қарши Гарнида олиб борган жангларида яққол кўзга ташланади.

Жалолитдиннинг жангдаги ўзига хос усулларидан яна бири оз сонли лашкарлар билан душманнинг кўп сонли кўшинига қарши кураш олиб бориш билан боғлиқ. Эътибор беринг, Наса яқинида мўғулларнинг 700 лашкарига қарши 300 та суворийси билан курашади. Парвонда 45 минг кишилик кўшинга 30 минг лашкарини қарши қўяди. Гарнида 60 мингдан ошқ грузинларга қарши 30 мингдан ортиқ лашкарлари билан жангга киради.

Султон Жалолитдин 1221 йилдан 1231 йилгача кечган ҳукмдорлик фаолияти давомида бирор-бир мамлакатга ёки ўлкага уруш яловини кўтариб борган эмас, аксинча, турли давлатлар ҳукмдорлари билан дўстона ҳамкорликлар ўрнатишга ҳаракат қилган. Бу ҳамкорликни умумий душман – мўғулларга қарши қаратишга интилган. Бу гуржилар мамлакатининг вазир ва лашкарбошиси Авак билан суҳбатда яққол намоён бўлади. Лекин афсуски, у тинчлик

ўрнатиш ниятида борган давлатларнинг ҳукмдорлари унга қарши қилич яланғочлаб чиқадилар. Бу ҳолат Ҳиндистондаги раналар, ройлар, тжакурларнинг, Дехли султони Шамсиддин Элтутмишнинг, Кубачанин душманлик хатти-ҳаракатларида, Бағдод халифасининг унга нисбатан зид муносабатларида, Грузия маликаси, Миср, Дамашқ султонлари, Озарбойжон отабеклари, маликларининг уруш эълон қилишларида зоҳир бўлади. Ушбу мамлакатлар, ўлкалар ҳукмдорлари Султон Жалолитдинга қарши ўзлари бошлаган урушнинг мағлубларига айланади. Қудратли куч, мард, доворак, қахрамон инсон олдида таслим бўладилар...

## ХИЁНАТКОР УКАНИНГ ФОЖИАЛИ ҚИСМАТИ

...Султон Жалолитдин 1227 йили Исфахон шарқда, ярим кунлик йўлда ас-Син деган қишлоқда мўғулларнинг 150 мингдан ортиқ кўшинига қарши 100 мингдан зиёд лашкар билан жанг қилади. Шихобиддин Муҳаммад Насавий муҳорабани шундай тасвирлаган:

“Султон жанг учун белгиланган кунда кўшинини сафлантирди. Унинг кўшин маркази зулматли тундай қоп-қора эди. Ун қаноти тоғдан тушаётган сув каби шиддатли, чап қаноти эса кулранг отлар минган лашкар билан тўлиб-тошганди. Қилич ва найзаларга тушган кўёш нури ярақлаб кўзга ташланарди. Иккала томон ҳам бир-бирини юзма-юз келган пайтда Гиёсиддин Султон Жалолитдин кўшинлари сафини тарк этди. У ўзи билан бирга лашкарини ва Жаҳон Пахлавон Элчи бошчилигидаги кўшиннинг бир қисмини ҳам олиб кетди. Султон ҳақдан ташқари бандлигидан, ўзининг изидан қувиш ва таъқиб этиш имконияти йўқлигидан фойдаланиб қочди. Гиёсиддин ушбу хатти-ҳаракати билан икки дунёда юзи қаро бўлди. Буларнинг ҳаммаси ўша пайтда улар ўртасида Нусратиддин ўлими туфайли юзага келган низо сабабли рўй берди”.

Гиёсиддин Пиршоҳ ва унинг лашкари Жаҳон Пахлавон Элчи билан бирга Исфахон яқинидаги жанг олдида Жалолитдин кўшинини тарк этиб қочгач, Форс кўрфазига яқин нуқтада жойлашган Хузистон томон йўл олади. У вазири Карим аш-Шарқни Бағдод халифасига элчи қилиб жўнатади. Ўзининг Форс Ироғида ҳукмдор бўлиб турган пайтда Олий девонга қарашли мулклар эгалари билан яхши кўшничилик муносабатида бўлгани, таққиланган ишларни қилмагани, ўзаро ҳурмат-иззатни сақлагани, акаси Ҳиндистондан қайтиб келгач, одатдаги аҳвол барҳам топгани, унинг халифалик мулкларига ҳужум уюштиргани, натижада ўртада зиддиятлар юзага келганини билдирди. Агар халифалик акаси ўзидан тортиб олган ерларни қайтариб олишда, мамлакатни қайтадан қўлга киритишда ёрдам

берса, содиқ қул каби хизмат қилишга тайёрлигини етказди.

Элчи хурсанд ҳолда қайтиб келади. Халифа кўлаб ваъдалар берган, ҳукмдорлик тахтини қайта эгаллашида ёрдамини аямаслигини билдирган ва 30 минг динорни хайрия сифатида юборган эди. Бу даврга келиб халифалик тахтини, 1 225 йили вафот этган Носирнинг ўрнини укаси Зоҳир Эгаллган, у ҳам ўзидан олдингиларнинг аънанасини давом қилдириб, Хоразмшоҳ Жалолитдинга қаршиман, деган ҳар қандай одамга ёрдам берарди. Айниқса, Гиёсиддиннинг Жалолитдинга қарши чиқиши халифани ниҳоятда қувонтирган эди.

Мўғулларнинг Форс Ироғи ва Хуросонни қўлга киритолмай, Исфахондан қайтиб кетиши, Жалолитдиннинг яна қайтадан пайдо бўлиши Гиёсиддинни жиддий ташвишга солади. Хузистондан Аламутга йўл олади. Бироқ бу ерда ҳам кўп туролмайди. Султон жангдан кейин мўғулларни таъқиб қилиб Ройга қадар келади. Лашкарини Рой ва Абхаз чегараларига қадар юборди. Натижада Аламут ҳамма томондан Жалолитдин лашкарлари билан ўралади. Бундан Гиёсиддиннинг аҳволи янада оғирлашади.

Аламут ҳукмдори Оловуддин Муҳаммад III Султон ҳузурига элчи юбориб, Гиёсиддинга омонлик беришни, уни яна ўз хизматида олишни илтимос қилади. Жалолитдин бу таклифга кўнади. Аламут элчиси ёнига мулклар мушриф Тоҳулмулк Нажибиддин Ёқуб ал-Хоразмий ва таштдор Жалолитдин Фаррухни элчи сифатида кўшиб юборди. Улар Гиёсиддинни Султон ёнига олиб келиши ва Оловуддин Муҳаммад III га ўртадаги яраш муносабатига ҳисса қўшгани учун миннатдорлик билдириши керак эди.

Бу воқеани тарихчи ибн ал-Асир бошқачароқ тарзда ёзади. “Жалолитдин Гиёсиддиннинг Аламутга, исмоилийлар ҳузурига қочганини билганидан кейин улардан укасини беришни талаб этди. Акс ҳолда, ҳужум қилиш ниятини билдириб нома юборди. Исмоилийлар ҳукмдори Оловуддин унга жавобан “Уканг бизларнинг ёнимиздан паноҳ топган. У ҳам султон ва султоннинг ўғли. Бизлар уни эсим беролмаймиз. Ўз ёнимизда олиб қоламиз. Сенин қўл остингдаги мулклардан бирига ҳам юборолмаймиз. Биз сенин унга меҳр-оқибатлироқ бўлишингни илтимос қиламиз ва бу хусусда ваъда беришингни кутамиз”, деган жавоб йўллайди. Жалолитдин уларнинг талабига кўнади.

Ибн ал-Асирдан кўра Шихобиддин Муҳаммад Насавийнинг маълумотларини асосли дейиш мумкин. Чунки Аламут ҳукмдори Жалолитдинга тобелардан бири ҳисобланади. Султонга йилига маълум миқдорда пул тўлаш ҳисобига давлатни бошқаради. Шу боис унинг Жалолитдин талабига рад жавобини бериши ҳақиқатдан йироқ.

Элчилар Оловуддин ҳузурига келганда Гиёсиддин Султон ёнига қайтишдан

воз кечади. У бундан кўра мамлакатлар бўйлаб мақсадсиз кезиб юрганми хавфсизроқ деб ўйлайди. Аламут ҳукмдоридан ўзи ва юкларини ташиб кетиш учун от топиб беришда ёрдам сўрайди. Оловуддин унга 400 бош от ҳада қилади. Улар Аламутдан чиққанидан кейин Султоннинг бу шаҳар яқинида жойлашган силаҳдор Таваший Жаба бошчилигидаги кўшин бўлинмаси ҳужум қилади. Жаҳон Пахлавон Элчи бошчилигидаги лашкар уларни асир тушишдан сақлаб қолади. Гиёсиддин қочиб Кирмонга, ўзининг ноиб Бароқ ҳожиб ҳузурига йўл олади. Собик ноибменга ҳурмат-иззат кўрсатар, деб умид қилади.

Бароқ уни чўлда, Абарқўх яқинида 4 минг лашкари билан қутиб олади. Кирмонга киришда ноиб шаҳзоданин онасига уйланиш фикрини билдиради. Гиёсиддинни “азиз ўғли” деб атади. Она ва боланинг кескин қаршичилига қарамай, уларнинг аҳволи оғирлигидан фойдаланиб маликага уйланади. Орадан бир мuddат ўтганидан сўнг уларни ўзига суиқасд уюштиришда айблади. Бароқ Гиёсиддиннинг онасини, у билан бирга вазир Карим аш-Шарқни, Жаҳон Пахлавон Элчини қатл қилдиради. Шаҳзоданин ўзини эса қалъалардан биридаги зиндонга ташлайди...

Гиёсиддиннинг сўнги кунлари ҳақида ҳар хил маълумотлар мавжуд. Баъзи муаррирлар уни Бароқ ўлдиртирган деса, айримлари асирликдан қутулиб Исфахонга борганда Султон буйруғига кўра қатл этилган, деб ёзади. Аслида эса Бароқ ҳожиб Гиёсиддиннинг бошини кесдириб, уни “Сизнинг икки душманингиз бор эди – Жалолитдин ва Гиёсиддин. Улардан бирининг калласини сизга жўнатдим”, деган нома билан мўғул ҳукмдори Ўқтойга (1227 йили Чингизхон вафот этганидан кейин ўғли тахтга ўтирганди) юборди. Бу ҳам Бароқ ҳожибнинг хиёнаткорлардан бири сифатида мўғуллардан паноҳ излаганини кўрсатади.

Бароқ ҳожиб Ироқ ноиб Шарафиддинга йўллаган мактубида ҳам Гиёсиддинни ўлдиртиргани тўғрисида сўз юритади. Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий бу мактубни Жалолитдин ҳам, кейинчалик ўзи ҳам ўқиганини эътироф этади. Муаррих Ибн ал-Фуватий Гиёсиддин Бароқ ҳожиб фармонида мувофиқ унинг қули Ботирқўш томонидан бўғиб ўлдирилган, деган маълумотни беради. Жалолитдин Хоразмшоҳнинг сўнги укаси Гиёсиддиннинг ҳаёти шу тариқа поёнига етади.



**Камол МАТЁҚУБОВ,**  
Ўзбекистонда  
хизмат кўрсатган  
журналист



АЖАБ ҲАНГОМАЛАР

БЎЛГАН ВОҚЕА

## БОҶИМАНДАЛИК

“БАРНО МАМАТИСАҚОВА ҚЎҚОН ШАҲРИ ВАҚФ ЧОРСУ КЎЧАСИ 63-УЙДА ИЖАРАДА ЯШАБ КЕЛАРДИ. АСЛИ ДАҒФАРЛИК, 2020 ЙИЛНИНГ ИЮНЬ ОЙИДА ҲОЗИРГИ МАНЗИЛИГА КЎЧГАН. УЙ ЭҒАСИ И.ЮЛДАШЕВ ОИЛАГА ЕНГИЛЛИК, ЁРДАМ БЎЛСИН, ДЕЯ ИЖАРА ТЎЛОВИНИ АРЗОНЛАШТИРИБ, ОЙИГА 200 МИНГ СЎМ ҲАҚ ОЛГАН. БАРНО МАМАТИСАҚОВА ИЖАРА ТЎЛОВИ МАСАЛАСИДА ЁРДАМ СЎРАБ МУРОЖААТ ҚИЛГАЧ, ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ИККИ ОЙЛИК ИЖАРА ПУЛИ 400 МИНГ СЎМ ТЎЛАБ БЕРИЛГАН. УЙ ЭҒАСИНИНГ АЙТИШИЧА, У 3 ОЙЛИК ИЖАРА ТЎЛОВИНИ ОЛГАН, ХОЛОС. ҲАММА НАРСА ҲАМ ПУЛ БИЛАН ЎЛЧАНАВЕРМАСЛИГИ, МЕҲР-ОҚИБАТ, ЯХШИЛИК ДЕГАН ТУШУНЧАЛАР ҲАЛИ МАВЖУДЛИГИГА ИШОРА ЎЛАРОҚ, БУ ОИЛАГА УЙИНИ ШУНДОҚ ЯШАБ ТУРИШГА ТОПШИРГАН, ҲЕЧ ҚАНДАЙ ТЎЛОВ СЎРАМАГАН.

Бир ярим йилдан бунён бу оиллага ҳокимлик масъуллари томонидан озик-овқат маҳсулотлари ва пул бериб келинади, вояга етмаган уч фарзанди учун жами бир миллион беш юз минг сўм миқдорда ёрдам пули, ўтган йилнинг февралдан бошлаб эса учала фарзандига ҳам болалар нафақаси берилади.

Бошланаси йўқлиги, ижарада яшаб келаётгани боис 2021 йилнинг 5 август куни “Обод” маҳалла фуқаролар йиғини Мовароуннаҳр кўчаси 57-а уй 17-хонадонда жойлашган оилавий ётоқхонадаги 2 хонали тураржой билан таъминланган.

“Агробанк” АТБнинг 17 миллион сўмлик имтиёзли кредити эвазига олинган тикув машинасини шахсий эҳтиёжлари учун сотиб юборган. “Тадбиркор аёл” ўқув марказида касбга ўқитилиб, Қўқон шаҳар ҳокими томонидан берилган 2 та тикув машинаси (бир чок ва оверлок)ни ҳам пуллаган. Айланма маблағ, аниқроғи, мато сотиб олиши учун 2021 йил март ойида Қўқон шаҳар ҳокимлиги 4 миллион, апрель ойида эса Фарғона вилояти ҳокими 4 миллион, жами 8 миллион сўм нақд пул ажратган. Қўқон шаҳар “Саховат ва кўмак” жамғармаси 2021 йил 23 апрель куни унинг пластик картасига 1 миллион 200 минг сўм ўтказган.

Оила аъзолари “Обод” МФЙнинг “Аёллар дафтари” ва “Темир дафтар” рўйхатига киритилган. Доимий даромад манбаига эга эмас...”

Барно Маматисақовага тузилган далолатнома билан танишмаган-у, миямда саволлар фўжғон айланаяпти.

**Хўш, бу аёл ва турмуш ўртоғи ишга лаёқатсизмикан?**

**Уч фарзанди ҳали мактаб ёшига етмаган-у, она бола тарбиясидан ортолмасмикан?**

**Давлат томонидан қайта-қайта берилган жами 9 та тикув машинасини сотиб юборишига, ҳокимлик масъуллари эса яна такрор-такрор ёрдам қўлини чўзавери-**

**шига сабаб нима экан?**

Нихоят, келишилган кун ва соатда қахрамонимиз Барно Маматисақова ҳамда турмуш ўртоғи,

## уни касбга айлантириб олганлар қасрдан пайдо бўляпти?

ойидан қарзга ботишган, учта тикув машинасини автохалокатда зарар кўрган ҳақдор томон уйдан олиб чиқиб кетган.

Доимий даромад манбаига эга эмаслиги, куни ёрдам пулига қолгани тегишли идораларга қатнаб умри ўтаётганининг сабаби жуда оддий экан, аслида. **Ишқмаслик ва учига чиққан боқимандалик.**

Касб деса, касбга ўқитиб қўйишса, уй деса

шу ишни қилолмайсизми? Қўл билан берганга қўш тўймайди, бир умрлик, узоқ муддатлик бирор ишнинг ёқасидан тутиш керак-ку!” деган саволимизга жавобан “Олти ёшли қизимни ташлаб кўчага чиқиб кетолмайман, қаерда сотаман, тикув машинами қайтариб беришса тикардим, мато олишга ёрдам беришса, қарзимизни тўлаш учун 10 миллион сўм пул беришса...” деди бир зумда

дан ҳам қўллаб-қувватлашга муҳтожларга етиб боришимиз қийин кечади. Камбазал мард бўлади, деганларичаям бор. Улар бир марта муурожаат қилиши мумкин, бошқа келмайди, сўрамайди...”

Парадоксининг гўзаллигини, ақлга қоришиқлигини қарангки, текин пишлоққа етгунча бўлган қатъият, охирига етмагунча қўймаслик, принципаликни бирор касб ё



қўзига ёш олиб.

**Ахир, балиқ сўраганларга ҳам балиқ, ҳам қармоқ берил-япти. Аммо... Мурожаатни ёпиш, қўлогимиз тинчиши, “ёзувчи”лардан тезроқ қутулиш учунгина сўраганини муҳайё қилав-тиб қўймаймизми? Дунёдаги энг яхши касб мана шу – ишла-майсан, лекин тиш-лайсан, дея.**

Қўқон шаҳар ҳокимлиги девонхона мудири Нозимжон Насимовнинг куюниб гапиришича бор: “Буларнинг бир жиҳатига тан бермай иложимиз йўқ. Сўраганини олмагунча керак бўлса, шаҳар, вилоят ҳокимияти биносига ётиб олади, Вазирлар Маҳкамаси, Президент Администрациясига боришдан эринмайди. Қўқонда 259 минг аҳоли бўлса, шулардан ижтимоий кўмакка муҳтож аҳоли 9 мингга ташкил қилади, дейлик. Баъзан мана шундай “ёзувчилар”, “устамонлар”ни деб чин-

хунарга қўлласа, қандай бўларди! “Зўр тикувчи бўлмасан, қўймайман!”, “Пишириқларимни ҳамма таллашиб оладиган бўлади!” қабилда...

Йўқ, ахир, текин пишлоқ турганда, жонингни жабборга беришга на ҳожат?! Битта йиғласанг, битта ёзсанг, битта югурсанг – кифоя!

Турмушдан ажраган, бир нафардан фарзанди бор опа-сингил Юлдуз ва Наргиза Дўсматоваларнинг тақдири Барнониқидан бироз фарқ қилади. Юлдузнинг қарамоғида ногирон онаси бўлган, Наргизанинг қўлида эса ногирон қизи бор. Улар билан суҳбатимиз ҳамма ҳақиқатларга кўз-гу тутди: қўлини совуқ сувга ургиси йўқ, ишламаслик учун баҳонаси етарли, боқимандалик билан кун кўришга ҳам сабаблари тайёр. Бошқалардан, масъуллардан кутадиганларининг эса ниҳояси йўқ: тикув машинаси берса, матога пул берса, “пирашка” учун жой қилиб берса... Умр – бир “марра”дан иккинчисига ўтиб олгунча!

Севара АЛИЖОНОВА



## ТОШҶОРАК ОТА

...Бугун бошимга яна оғриқ кирди. Сурхондарёлик Бахтиёр деган болани Самарқанд шаҳридаги кўп тармоқли болалар касалхонасига жойлаштирдик. Интернет врачининг айтишича, масала анча жиддий. Сийдик йўли ёпилган. Жарроҳлик йўли билангина дардига дармон бўлиш мумкин. Устига-устак битта буйрағида ҳам муаммо бор экан.

Икки-уч кундан кейин у операция қилинадиган бўлди.

– Дадасига кўнғироқ қилдим, – дейди ҳалиги врач. – Ўғлининг шифохонада эканлиги, дарди бирмунча оғирлиги, операция қилиниши тўғрисида айтдим. Имкони бўлса, келинг, операциядан сўнг ўғлингизнинг ёнида бўлсангиз, оёққа тургунча кўмаклашсангиз яхши бўларди, дедим. Лекин ишонасизми, у вақти йўқлигини, Самарқандга келолмаслигини, Бахтиёрнинг аҳоли жиддий бўлса, ноилоҳ, пешонасида нима ёзилган бўлса, шуни кўриши мумкинлигини айтганида биров устимдан бир чалак муздай сув қуйиб юборгандек сесканиб кетдим...

Шундай тошмехр, бешафқат оталар ҳам бор-да бу дунёда. Тасаввур қилинг, жарроҳлик столига ётган болакай тўрт тарафга кўзлари жовдираб энг яқин инсонини изласа, не деб жавоб берасиз? Отаннинг вақти йўқ экан, келолмас экан, десангиз, у не кўйларга тушади? Соғлиги баттар оғирлашмаслигига кафолат борми? Бу саволлар неча кунлаб менга тинчлик бермади. Қийнадим, эзилдим. Лекин на илож?

– Лолани қақиринлар, – дедим ахирги врачга.

Бироздан сўнг хонамга Лола кириб келди. Истараси иссиққина, ақли, одоли, оғир, вазмин қиз. Фаррош бўлиб ишлайди бизда. Мен унга Бахтиёрнинг касалхонага ётқизилгани, аҳоли бир мунча оғирлиги, операциядан сўнг ёнида бир киши қарашиб турмаса, бўлмаслигини тушунтирдим. Кўнглим сезгандек, Лола ҳам дарров мени тушунди.

Операциядан сўнг эса интернатимиз ўқитувчи-ҳодимлари шифохонага

тез-тез “касал кўрди”га бориб туришди. Ҳаммаси кўнғилдагидек ўтди.

Бахтиёрнинг буйрағида муаммо борлигини айтганим. Низомга кўра, аслида соғлиги ўта оғир болалар интернатда тарбияланиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳужжатларини расмийлаштириб, Бахтиёрга жавоб беришга, уни Сурхондарёга қайиб келишга қарор қилдик. Бундан ҳамма топган, у роса йиғлади.

– Домла, – деди кўзёшларини тўхтатолмасдан, – илтимос, менга жавоб берманг, шу ерда қолайин.

– Нега? – дедим оғир ҳўрсиниб оилавий вазиятидан бир мунча хабардор бўлсам-да.

– Уйда дадам менга умуман беъэтибор, қарамайди. Узимнинг онам вафот этган. Ҳозирги онамнинг бироз эҳти тиз. Сал ёқмасам, бўлди, дарров кўчага ҳайдайди. Ярим кечгача қишлоқнинг у ёғидан бу ёғига тентираб юраман. Баъзида қорним оч қолиб, сулайиб қоламан. Яна уша эски ҳаётим бошланмасайди, деб кўрқаяпман, устоз...

– Ҳаммаси яхши бўлади, ўғлим, мактаб бор, маҳалла бор. Қўшниллар бор...

Бахтиёр эгик бошини кўтариб менга қарайди. Шунда унинг кўзларидан ёш қалқиб паства томчилаётганини кўраман. Узимни зўрга тутиб турар эканман, ўрнимдан туриб Бахтиёрнинг елкасига қўлимни ташлайман. Иккимиз ташқарига чиқамиз. Бу пайтда белгиланган тарбиячи Сурхондарёга жўнаб кетиш учун барча ҳужжатлар тахланганини, поездага чипта олинганини айтади. Хайр-хўшдан сўнг улар вокзал томон шошдилар. Дарвозадан чиқиб кетишар экан, Бахтиёр Лола опасини кучоқлаб узоқ йиғлайди.

Ҳар қандай тош юракни-да эздиган бу маҳзун манзарани охиригача кузатиб туролмадим...

Абдуҳалим МЕЛИЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими аълочиси

ФОТОТАНҚИД

FUQAROLIK ISHLARI BO'YICHA  
JIZZAX VILOYATI  
JIZZAX TUMANLARARO SUDI

Jizzax shahri I.Karimov ko'chasi / el.pochta jizzah@sud.uz tel:226-72-10

2021 йил 20 октябрь, № 2-1301-2104/1193

Жиззах вилояти Давлат  
Солік бошқармасига

“Ягона софт канигад”  
МЧЖга

**СУДЛАРИМИЗДА**

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судида давлоғар Жиззах вилоят давлат солік бошқармасининг жавобгар “Ягона Софт канигад” МЧЖга нисбатан нисбатан ажратни ағратни тўғрисидаги фуқаролик иши маъжуд.

Маъжур фуқаролик ишини кўрилиши 2021 йил 25 октябрь куни соат 10:55га фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро суди биносига тайинланган.

Шу муносабат билан тайинланган суд мажлисида шахсан ўзинингнинг шахсининг таъинловчи ҳужжат билан иштирок этишинингизни сўрайман.

Суд томонларга иш бўйича барча зарур далилларни тақдим этишни тақлиф қилади.

(Манзил: Жиззах шаҳри И.Каримов кўчаси)

Ажабо?  
Тарафларнинг қайси бири эр,  
қай бири хотин экан-а?

А.А.Байбеков

ЭЪЛОН

Тошкент давлат университетитети томонидан  
**Мурадов Алижон Умурзаковичга 1978 йилда**  
берилган Г-11 № 274701 рақамли диплом йўқолгани  
МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –  
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:  
Ақтам ХАЙТОВ  
Дилшод ШОУМАРОВ  
Шухрат БАФОВЕВ  
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирождидин САЙИД  
Адхам ШОДМОНОВ  
Виктор ПАК  
Насимжон АЛИМОВ

Бош муҳаррир  
ўринбосари  
Нуриддин  
УБАЙДУЛЛАЕВ

Тахрират манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:  
xxi\_asr@mail.ru

Телефонлар:  
қабулхона –  
71 215-63-80  
(тел./факс).  
Обуна ва реклама  
бўлими –  
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан  
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда  
босилди. Ҳажми – 3 босма табақ.  
Буюртма рақами: Г – 151 Адади: 3280  
Баҳоиси келишилган нархда.

Тошпирилди – 21:10

Тахриратга келган қўлэмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифларга  
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба  
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахрират нуктаи  
назаридан фарқ қилиши мумкин.  
Газета тахрират компьютер марказида  
терилди ҳамда дизайнерлар

Элёржон Неъматов,  
Маъруфжон Раҳмонов  
саҳифалади.



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406  
123456

Навбатчи муҳаррир:  
Озод РАЖАБОВ